

**ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БҮЙИЧА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.I.106.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

---

**ПАШАХОДЖАЕВА ДИЛДОРА ДЖАББОРХОНОВНА**

**ФОЙДА СОЛИФИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бүйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фарғона шаҳри – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
Economical sciences**

<b>Пашаходжаева Дилдора Джабборхоновна</b> Фойда солиги хисоби ва аудитини такомиллаштириш .....	3
<b>Пашаходжаева Дилдора Джабборхоновна</b> Совершенствование учета и аудита налога на прибыль.....	27
<b>Pashakhodjaeva Dildora Djabborkhonovna</b> Improving accounting and auditing of income tax .....	51
<b>Эълон килинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ	
List of published works.....	55

**ФАРГОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ РНД.03/27.02.2020.1.106.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

---

**ПАШАХОДЖАЕВА ДИЛДОРА ДЖАББОРХОНОВНА**

**ФОЙДА СОЛИГИ ҲИСОБИ ВА АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.08 – Бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Iqt42 ракам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Самарканд иктисодиёт ва сервис институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифаси ([www.ferpi.uz](http://www.ferpi.uz)) ва "Ziyonet" Ахборот-тъалим портала ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Уразов Комил Баҳрамович**  
иктиносидиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Дусмуратов Раджабой Давлетбаевич**  
иктиносидиёт фанлари доктори, профессор

**Нурматов Орифжон Толибжанович**  
Иктиносидиёт фанлари бўйича фалсафа доктори PhD

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация химояси Фарғона политехника институти хузуридаги PhD 03/27.02.2020.I.106.03 ракамли Илмий кенгашининг 2021 йил «11» 06 соат 14:00 даги мажлисida бўлиб ўтади. Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-үй. Тел./факс: (+99873) 2411206, e-mail: [ferpi\\_info@edu.uz](mailto:ferpi_info@edu.uz)

Диссертация билан Фарғона политехника институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4-ракам билан рўйхатга олинган). Манзил: 150107, Фарғона шаҳри, Фарғона кўчаси, 86-үй, Тел.: (+99873) 2411293

Диссертация автореферати 2021 йил «19» 05 куни тарқатилди.  
(2021 йил «23» 05 даги № 2 ракамли реестр баённомаси).



**И.Н. Исманов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раён иктиносидиёт фанлари  
доктори, профессор

**О.Т. Нурматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, иктиносидиёт  
фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD)

**Д. Кудбиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш кошидаги илмий семинар  
раиси, иктиносидиёт фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳонда давлатлар бюджетини маблағлар билан тўлдириш энг долзарб масала хисобланади. Бунда соликлар, чунончи фойда солиги муҳим ўрин тутади. Манбаларга кўра, «фойда солиғининг давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги улуши Канадада 10-12 фоизни, Испанияда 8-10 фоизни, Францияда 10 фоизни, Россияда 3,3 фоизни ташкил этади»<sup>1</sup>. Маълумки, фойда солиги корхонанинг хисобот даврида оладиган фойдаси ҳажмiga тўғридан-тўғри таъсир қиладиган омил хисобланади. Шу боис, фойда солиги хисоби бухгалтерия хисоби ва аудитнинг муҳим обьекти саналади. Дунё давлатларида солик солинадиган фойда, солик имтиёзлари, фойда солиги хисоби ва хисобот шакллари ҳамда аудиторлик таҳлили услубиёти турлича бўлиб, фойда солиги хисоб-китобини амалга ошириш бўйича ягона кўрсаткичлар тизими, меъёрлар шаклланмаган. Бу эса, ўз навбатида, фойда солиги хисоби, солик хисоботи ва аудитнинг ҳалқаро тан олинган умумий принцип ва қоидаларини жорий қилинишини белгилаб бермоқда.

Жаҳон амалиётида олиб борилаётган илмий-тадқиқотларда мамлакатлар иқтисодиётини глобаллашуви, инвестицияларни бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга кўчиб ўтиши, трансмиллий компанияларни вужудга келиши ва ривожланиши шароитида фойда солиги кўрсаткичлари бухгалтерия хисоби ҳамда аудит таҳлили услубини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилган. Бу борада олиб борилган илмий изланишлар натижасида фойда солиги кўрсаткичлари хисоби ва аудитнинг концептуал масалалари, фойда солиги хисоби ва солик хисоботлари, аудит таҳлилини такомиллаштириш бўйича маълум ютукларга эришилган. Аммо, фойда солиги кўрсаткичларини тан олиш, баҳолаш ва уларнинг хисобини юритиш, солик солинадиган фойдага таъсир қилувчи харажатлар хисоби, кечикирилган солик активлари ва мажбуриятлари хисоби, фойда солигини хисоблашга асос бўлувчи кўрсаткичларнинг аудит таҳлили масалаларини илмий тадқиқ этишга алоҳида эътибор қаратиш зарурити юзага келмоқда. Ушбу масалаларни илмий-амалий ечимини топиш мамлакатлар томонидан иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этишида муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистонда солик юкини камайтириш, соликлар сони ва ставкаларини оптималлаштириш, фойда солиги хисоб-китоби механизми, солик хисоботи ҳамда солик аудитини такомиллаштириш амалга оширилаётган ислоҳотларни асосий йўналишларидан бири сифатида қаралмоқда. «Мамлакатда солик сиёсатини такомиллаштириш, солик маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш, солик юкини изчил камайтириш, солик тизимини соддалаштириш ва солик хисоботларини тубдан қисқартириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда»<sup>2</sup>. Бу бўйича солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегиясида солик хисоби ва хисоботларига оид катор

<sup>1</sup> <https://www.kommersant.ru/doc/2945195>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 июлдаги ПҚ-4389-сон “Солик маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги карори.

вазифалар белгиланган. Шулар жумласидан «солиқ солинадиган фойда», «чегириладиган харажатлар», «кечикирилган солиқ активлари», «кечикирилган солиқ мажбуриятлари» каби күрсаткичларни молиявий хисоб ва хисоботда акс этиришининг амалдаги тартиби молиявий хисоботнинг халқаро стандартлари мөслиштириш, солиқ күрсаткичларни аудиторлик текширувидан ўтказиш услубиётини яратиш вазифалари қўйилган. Шу жиҳатдан бугунги кунда фойда солиги хисоби ва солиқ хисоботи ҳамда аудиторлик таҳлилини халқаро стандартларга мувофикаштириш масалалари бўйича алоҳида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш талаб этилмокда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сон «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сон «Молиявий хисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат килади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фойда, унга бевосита боғлик бўлган фойда солиги кўрсаткичларининг долзарб масалалари А.В.Ваҳобов ва А.С.Жўраев, Ш.Гатаулин, И.Завалишина, Ж.Зайналов, Т.Тошмуров, Қ.Яхёев ва бошқа олимлар<sup>1</sup> томонидан чоп қилинган ишларда тадқик этилган.

Фойда солиги хисоби ва аудитининг методологик масалалари хорижлик олимлар М.М.Богданова, John Graham, Jana Raedy, Douglas Shackelford В.Я.Кожинов, А.А.Савин, В.И.Подольскийлар<sup>2</sup> қаламига тегишли дарслклар, ўкув кўлланмалар ва илмий мақолаларида ёритилган.

<sup>1</sup> А.В.Ваҳобов, А.С.Жўраев Соликлар ва соликка тортиш.- Т.: Шарқ, 2009; Ш.Гатаулин. Налоги и налогообложение. Учебное пособие. Т., Государственный налоговый комитет, 1996.; И.А.Завалишина. Налоги : теория и практика . - Т.: "Мир экономики и права", 2004 год; Ж.Р.Зайналов, С.С.Алиева, З.О.Ахорон ва бошқа. Солик ва соликка тортиш . - Самарканд: "Зарафшон", 2019.-430 бет; Т.Тошмуров Солик назарияси ва тизими. -Т.: "Билим", 2004 йил 112- бет; Қ.Яхёев Соликка тортиш назарияси ва амалиёти. -Т.: Фан ва технологиялар маркази, 2003. -247 б

<sup>2</sup> М.М.Богданова Аудит налогообложения: Учебное пособие. – И.П Барнаул, И.А.Колмогоров, 2014. - 137 с; John Graham, Jana Raedy, Douglas Shackelford. Research in accounting for income taxes Working Paper 15665 <http://www.nber.org/papers/w15665> National bureau of economic research 1050 Massachusetts Avenue Cambridge, MA 02138 January 2010.-р.125; В.Я.Кожинов Бухгалтерский учет и налоговый учет: управление прибылью. -

Фойда солиғи күрсаткычлари хисоби ва аудитининг айрим назарий ва методологик жиҳатлари, мамлакатимиз олимларидан Р.Д.Дусмуратов, А.К.Ибрагимов, И.Н.Исманов, Б.И.Исройлов, А.А.Каримов, Н.Ф.Каримов, М.Б.Колонов, Д.К.Кудбиев, Х.Н.Мусаев, А.Х.Пардаев, З.А.Пардаева, М.Қ.Пардаев, С.Н.Ташназаров, К.Б.Уразов, Б.А.Хасанов, З.Н.Курбанов, К.Р.Хотамов ва бошқа олимлар<sup>1</sup> қаламига мансуб монографиялар, дарслерлар, ўқув кўлланмалар ва илмий мақолаларда ёритилган.

Бироқ, республикамида фойда солиғи күрсаткычлари хисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича маҳсус тадқиқотлар олиб борилмаган. Чоп этилган ишларда фойда солиғи күрсаткычларининг яхлит тизими ишлаб чиқилмаган, жумладан улар бўйича хисоб ва хисоботда ахборотларни тизимли шакллантириш масалалари, фойда солиғи күрсаткычларини аудит текширувидан ўтказиш ҳамда аудит услугини ишлаб чиқардиган тадқиқотларни масалалари етарли даражада тадқиқ килинмаган.

Юкоридаги муаммоларнинг мавжудлиги, уларни ҳал этишининг илмий-амалий жиҳатдан аҳамиятга моликлиги фойда солиғи күрсаткычлари хисоби ва аудитини такомиллаштиришга қаратилган мазкур тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларини белгилашга асос бўлди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим мусассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Иқтисодиётдаги чукур таркибий ўзгаришлар шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси субъектларида бухгалтерия хисоби ва аудитни такомиллаштириш» мавзуси доирасида бажарилган.

### Тадқиқотнинг мақсади фойда солиғи хисоби ва аудитини

---

М.: Изд. «Экзамен», 2005; А.А.Савин, В.И.Подольский. Аудит: учебник для академического бакалавриата. 5-е изд., перераб. и доп. — Москва : Издательство Юрайт, 2017. — 455 с.

<sup>1</sup>Р.Д.Дусмуратов. Аудиторлик фаолияти: назария, услубиёт ва амалиёт. Монография-Т.: Молия, 2007; А.К.Ибрагимов., А.А.Каримов. Хориж сармоялари бухгалтерия хисоби.-Т.:«Ўзбекистон», 1999. -143 б.; И.Н.Исманов. Узок муддатли активларни бухгалтерия хисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация иши. Тошкент, 2009 й.; Б.И.Исройлов. Соликлар хисоби ва тахлиси: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. – Т.:Ўзбекистон, 2006; А.А.Каримов, Ф.Р.Исломов, А.З.Авлакулов. Бухгалтерия хисоби. Дасрлик. – Т: Шарк, 2004. -591 б.; Н.Ф.Каримов. Тижорат банкларида ички аудитни ташкил килиш ва унинг услубиётини такомиллаштириш муаммолари: Дис. автореф. ... икк. фан. д-ри. – Т.: 2007.; М.Б.Колонов. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар хисоби ҳамда тахлиси методологиясини такомиллаштириш (автотранспорт корхоналари мисолида). Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторефериати. Тошкент: ТМИ, 2019; Д.К.Кудбиров. Учет и анализ основных фондов в торговле в новых условиях хозяйствования: диссертация на соискание научной степени доктора экономических наук Москва – 1991 г.; Х.Н.Мусаев. Аудит. Дасрлик. – Т.: Молия, 2003; А.Х.Пардаев, З.А.Пардаева. Бошқарув хисоби. Дасрлик.-Т.:«Иқтисод-Молия», 2019 й.-538 бет.; М.Қ.Пардаев. Иқтисодий тахлиси назарияси. Муаммоли маъризуза матни. - Самарқанд, СамИСИ, 2006, 163-бет.; С.Н.Ташназаров. Молиявий хисоботнинг халкаро стапцартлари. Дасрлик – Т. «Иқтисод-Молия», 2019; К.Б.Уразов. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида бухгалтерия хисобининг концептуал масалалари. Монография. - Т.: Фан, 2005; К.Б.Уразов. Бошқа тармокларда бухгалтерия хисобининг хусусиятлар. Т.: «Фан ва технология», 2019; Б.А.Хасанов, А.А.Хошимов. Бошқарув хисоби. Дасрлик. - Т.: Янги нашр, 2011. - 312 б.; З.Н.Курбанов. Соликлар хисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация авторефериати –Т.: БМА, 2008., З.Н.Курбанов. Солик хисоби. Монография. - Т. , «Фан», 2006; З.Н.Курбанов. Солик аудити. Ўқув кўлланма. – Т.: Фан ва технология,2007.; К.Р. Хотамов Биллоусита соликлар хисоби ва тахлислини такомиллаштириш. Монография. –Т.: Молия, 2016 й.-168 б.

такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қўйидагилардан иборат:

халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибаларга таяниб, фойда солиги кўрсаткичлари таърифи ҳамда таснифий асосларини ишлаб чиқиш;

фойда солигига таъсир қилувчи харажатлар, кечиктирилган солик активлари, кечиктирилган солик мажбуриятлари хисобини юритишга мўлжалланган счёtlар тизимини тавсия этиш;

фойда солиги бўйича имтиёзлар ва улардан фойдаланиш хисобини молиявий хисоботнинг халқаро стандартлари талаблари асосида такомиллаштириш;

илғор хорижий тажрибалар ва халқаро стандартлар талабларини тадқиқ килиш асосида фойда солигининг хисоб-китоблари ҳамда солик хисоботи шаклларининг такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

умумий аудитнинг алоҳида обьекти сифатида фойда солиги кўrсаткичлари аудитининг назарий ва ташкилий асосларини такомиллаштириш;

фойда солиги кўrсаткичларининг солик аудити услубиётини шакллантириш ва такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг обьекти** сифатида «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик жамияти ҳамда «Ўзқимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибига кирувчи корхоналар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** фойда солиги хисоби ва аудитини такомиллаштиришда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар хисобланади.

**Тадқиқотнинг усуllари.** Диссертацияда тизимли таҳлил, умумлаштириш, гурухлаш, кузатиш, таҳлилнинг мантикий ва таққослама усуllари, абстракт-мантикий фикрлаш, қиёсий таҳлил, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуllардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

хисоб сиёсатига 9811-«Фойда солиги бўйича солик базасига қайта кўшиладиган харажатлар», 3212-«Кечиктирилган солик активлари», 6251-«Кечиктирилган солик мажбуриятлари» ишчи счёtlарни киритиш асосида фойда солигининг аналитик (таҳлилий) хисоби такомиллаштирилган;

солик солинадиган базани белгилаш ва фойда солигини хисоб-китоб қилиш тартиби солик солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йиллар зарари, инвестицияга йўналтириладиган маблағлар, инвестициявий чегирмаларни киритиш орқали аниклаштирилган;

фойда солиги хисботининг таркибий тузилиши ва ахборот имконияти алоҳида ҳамда консолидациялашган молиявий ҳолат, даромадлар, фойда, зарарлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш асосида такомиллаштирилган;

солик имтиёзлари хисобига корхона ихтиёрида қолдириладиган фойда солиги суммасидан мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган тафовутлар бўйича асос келтирмаган ёки асосномалар етарли эмас, деб топилганда

юқори даражадаги таваккалчилік (солиқ хавфи) тоифасига мансуб бўлган солиқ тўловчилар тоифасига киритиш ҳамда мажбурий солиқ аудитидан ўтказиш таклиф этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:**

халқаро ва миллий тажрибаларга асосланган ҳолда «фойда солиги кўрсаткичлари»га иктисадий тушунча сифатида таъриф берилган, ушбу кўрсаткичларнинг ҳисоб ва аудитда муҳим аҳамият касб этувчи мезонлари бўйича таснифи ишлаб чиқилган;

корхоналар ҳисоб тизимида фойда солиги бўйича кечиктирилган солиқ активлари, кечиктирилган солиқ мажбуриятлари ва солиқ имтиёзлари тўғрисида ахборотларни шакллантириш таклиф этилган;

фойда солиги ҳисоб-китоби шаклини жами даромадлар, харажатлар, солиқ имтиёзлари турлари, ҳисбот (солиқ) даври учун солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган инвестицияга йўналтирилган маблағлар суммаси ҳисоб-китоби тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирувчи алоҳида илова шакллари ишлаб чиқилган;

юридик шахсларнинг соликларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган кўрсаткичларни киритиш асосида солиқ ҳисботи шаклларни молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига мувофиқлаштирилган;

соликлар аудити комплекси таркибида фойда солиги кўрсаткичларини аудиторлик текшируви ва таҳлилидан ўтказиш тартиблари такомиллаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** амалга оширилган ёндашув, усуllibар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганилиги, «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи «Самарқандонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти таркибида «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятларининг молиявий ҳисботлари маълумотларига асосланганилиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар фойда солиги ҳисоби ва аудитининг концептуал асосларини такомиллаштириш ҳамда солиқ ҳисоби ва солиқ аудитини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан корхона фойда солигини ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш жараённада қўлланиладиган усуllibарни тизимлаштириш ва асослаш, фойда солиги кўрсаткичларини шакллантириш, уларни ҳисботда ишончли акс эттириш, бошқарув маълумотларини шакллантириш, ҳамда фойда солиги таҳлили ва аудитига оид услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиша фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Фойда солиги ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш бўйича ишлиб чиқилган илмий натижалар асосида:

хисоб сиёсатига 9811-«Фойда солиги бўйича солик базасига қайта кўшиладиган харажатлар», 3212-«Кечикирилган солик активлари», 6251-«Кечикирилган солик мажбуриятлари» ишчи счётларни киритиш асосида фойда солигининг аналитик (тахлилий) хисоби такомиллаштириш бўйича таклифи «Самарқанддонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти хисоб сиёсатида ўз аксини топган («Самарқанддонмаҳсулотлари» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 01 декабрдаги №514/3-02-сон маълумотномаси). Натижада, корхонада фойда солиги хисобини аниқ юритилишига эришилган ва солик имтиёzlаридан фойдаланиш бўйича самарали бошқарув қарорларини қабул килиш учун ахборот бериш имкониятлари кенгайтирилган;

солик солинадиган базани белгилаш ва фойда солигини хисоб-китоб килиш тартиби солик солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йиллар зарари, инвестицияга йўналтириладиган маблағлар, инвестициявий чегирмаларни киритиш орқали аниқлаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон «Солик хисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Адлия Вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда 3221-сон билан рўйхатга олинган) киритилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2020 йил 9 декабрдаги 18/2-38811-сон маълумотномаси). Мазкур тавсияларнинг амалиётга жорий этилиши фойда солиги хисоб-китобини молиявий хисботнинг ҳалқаро стандартлари талабларига мувофиқлаштириш бўйича республикамизда белгиланган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

фойда солиги хисботининг таркибий тузилиши ва ахборот имконияти алоҳида ҳамда консолидациялашган молиявий ҳолат, даромадлар, фойда, зарарлар тўғрисидаги маълумотларни киритиш асосида такомиллаштириш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2020 йил 30 сентябрдаги 2020-38-сон ««Солик хисботининг шаклларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2020 йил 9 декабрдаги 18/2-38811-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида солик хисботлари маълумотларининг ишончлилиги, тўликлиги ва объективлигини оширишга эришилган;

солик имтиёzlари хисобига корхона ихтиёрида қолдириладиган фойда солиги суммасидан мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган тафовутлар бўйича асос келтирмаган ёки асосномалар етарли эмас, деб топилганда юқори даражадаги таваккалчилик (солик ҳавфи) тоифасига мансуб бўлган солик тўловчилар тоифасига киритиш ҳамда мажбурий солик аудитидан ўтказиш бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2020 йил 18 майдаги 2020-17-сон «Солик аудитини ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солик кўмитасининг 2020 йил 9 декабрдаги 18/2-38811-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга

жорий этилиши солиқ имтиёзлари хисобига корхона иختиёрида колдириладиган маблағлардан максадли фойдаланиш масъулиятини оширишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 2 та республика ва 3 та ҳалқаро илмий-амалий анжуманларда мухокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг зълон қилинганини.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, жумладан, 1 та журналда мақола, 1 та илмий-услубий тавсия, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, бундан 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Диссертация ҳажми 148 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш кисмida тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, унинг мақсади, вазифалари, обьекти ва предмети белгилаб олинган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилишига доир маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «Иктисадиётни модернизациялаш шароитида фойда солиги кўрсаткичлари хисоби ва аудитининг концептуал масалалари» номли биринчи бобида фойда солиги кўрсаткичлари, уларни таснифлаш ва тавсифлаш асослари, фойда солиги кўрсаткичлари бухгалтерия хисобининг моделлари ва асосий тамойиллари, фойда солиги кўрсаткичлари аудитининг концептуал масалалари тадқиқ қилинган.

Республикамизда корхоналар томонидан бюджетга тўлананаётган фойда солиги суммаси, ушбу соликнинг жами бевосита соликлар суммасидаги хиссаси йилдан-йилга ошиб бормоқда (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

### 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида бюджетга тўланган фойда солигига доир маълумотлар<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар	Йиллар				
		2016	2017	2018	2019	2020
1	Фойда солиги суммаси, млрд.сўм	1215,1	1475,5	3502,2	16360,6	22058,7
2	Бевосита соликлардаги хиссаси, %	12,3	12,8	22,4	51,6	54,4
3	Солик ставкаси, %	7,5	7,5	14	12	15


<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси ДСҚ хамда ПҚ-4555-сон 30.12.2019 маълумотлари асосида муаллиф томонидан хисоб-китоб килинди.

Фойданинг солиққа тортилиши ва ундан «фойда солиги» номли маҳсус соликнинг ундирилиши ушбу солиққа бевосита алоқадор бўлган ҳамда уни миқдор ва сифат жиҳатдан ифодаловчи кўрсаткичларни вужудга келишига олиб келди. Бу кўрсаткичларнинг айримлари фойда солигини ҳисоблашга асос бўлса, бошқалари бевосита ушбу соликнинг ҳисобланиси, тўланиши, корхона ихтиёрида қолдирилиши ва бошқа жиҳатларни ифодалайди. Айнан ушбу жиҳатлар, фикримизча, фойда солигини ҳисоблашга асос бўлувчи ҳамда ушбу соликнинг кейинги тақдирини ифодаловчи кўрсаткичларни биргаликда олганда яхлит номдаги «фойда солиги кўрсаткичлари», деб аташга асос бўлади. Диссертация ишида, халқаро ва миллӣ тажрибаларга асосланган ҳолда «фойда солиги кўрсаткичлари»га иктисолий тушунча сифатида кўйидагича таъриф берилди: «Фойда солиги кўрсаткичлари – бу фойда солигини ҳисоблашга асос бўлувчи, шунингдек, унга доир ҳисобланган миқдор ва нисбий кўрсаткичлар мажмуасидир».

Дунё мамлакатлари ўртасида интеграция ва инвестиция жараёнларининг глобаллашуви фойда солиги кўрсаткичларининг яхлит тизимини яратишни, чунончи мазкур кўрсаткичларни барча мамлакатларда умумтан олинган мезонлар асосида таснифлаш, бир хилда номлаш, уларни яхлит методологик тартибларда аниклашни зарурат қилиб қўймокда. Тадқиқотлар натижасида фойда солигига доир кўрсаткичларни тизимлаш негизига уларни шакллантириш босқичлари, актив ёки пассив сифатида тан олиниши, бухгалтерия баланси бўлимлари ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шаклларига, шунингдек турли ҳисбот даврларига тегишилиги каби мезонларни олиш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Ушбу мезонлар бўйича диссертация ишида фойда солиги кўрсаткичларини кўйидагича таснифлаш тавсия этилди (1-расмга қаранг).

Фойда солиги кўрсаткичлари ахборот бериш ва назорат қилишнинг асосий воситалари бўлган бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг энг муҳим обьектларидан ҳисобланади. Дунё микиёсида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг солик мақсадларига бўйсиндирилган (Континентал), солик мақсадларига бўйсиндирилмаган (Англо-саксония) ҳамда аралаш (Жанубий Америка) моделлари, мос равища, уларнинг тамойиллари шакллантирилган. Хусусан, бизнинг республикамиз ҳисоб ва аудитнинг мазмунан аралаш моделига хос бўлган тизимларини ривожлантириш йўлидан бормокда. Президентимизнинг 2020 йил 24 февралдаги «Молиявий ҳисоботнинг ҳалқаро стандартларига ўтишнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4611-сон қарорига асосан 2021 йилдан бошлаб республикамиз корхоналарининг босқичма-босқич умумтан олинган МҲҲСларга ўтишлари, 2020 йил 1 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Солик кодексига асосан маҳсус солик аудитини жорий этилганилиги бунинг ёрқин исботидир.

Фойда солигининг муҳим аҳамиятта моликлиги, унга доир доимий равища мавжуд бўладиган ахборот риски ва аудиторлик риски даражасини пасайтириш зарурати ва бошқа жиҳатлар ушбу солик аудитига маҳсус ёндашишни тақозо этади.




1-расм. Фойда солиги күрсаткычларини таснифлаш асослари<sup>1</sup>

Чунончи, фойда солиги аудитининг мақоми, мақсади, вазифалари, объектлари, режаси, дастури, текширишга ажратилган вақт, уни ўтказувчи аудиторларнинг профессионал билим даражаси, тузилган шартномада мижоз ва аудиторлик ташкилоти ўртасида аудиторлик рискини келишилган даражасини ҳар иккала томонни қониқтирадиган оптимал микдорда белгилаш кабилар ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидир.

Ушбу талаб ва хусусиятлардан келиб чиқиб, тадқиқотлар натижасида солик аудитига яхлит молиявий аудит таркибидаги маҳсус комплекс (К) сифатида қараш мақсадга мувофиқ, деб топилди. Ушбу комплексни алоҳида солик гурухлари, гурухларга кирувчи солик турлари, солик турлари таркибида аудит текширувидан ўтказиладиган күрсаткычлар (объектлар)га қараб маҳсус куйи комплекслар (Кк), блоклар (Б) ва алоҳида объектларга (О) ажратиш тавсия этилди (2-расмга қаранг).

Тадқиқотчи томондан тавсия этилган солик аудити комплексида фойда солиги күрсаткычлари маҳсус Б7 блогига ажратилди, ушбу блок таркибида эса аудит текширувидан ўтказиладиган аниқ объектлар (саволлар) белгиланди, улар аудитини тизимли кетма-кетликда амалга оширишга имкон берувчи дастаклари, яъни аудит режаси ва дастури ишлаб чиқилди.

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси



2-расм. Солик аудити комплексининг таркибий тузилмаси<sup>1</sup>

Диссертациянинг иккинчи боби «Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фойда солиги кўрсаткичлари ҳисоби ва солик ҳисботини такомиллаштириш» деб номланган бўлиб, унда фойда солигига таъсир қилувчи харажатлар ҳисобининг муаммолари ва уларнинг ечимлари, фойда солиги бўйича кечикирилган солик активлари, кечикирилган солик мажбуриятлари, фойда солиги бўйича имтиёзлар ҳисоби ва уларни молиявий ҳисботда акс эттириш тартибларини такомиллаштириш масалалари тадқик қилинган.

Амалдаги 21-сон БХМС республикамиз солик қонунчилигида харажатларни таснифлаш, улар тўғрисидаги ахборотларни тизимли шакллантириш асосида ҳам корхоналар, ҳам давлат манфаатларини кафолатлаш тамоили ижросини таъминлашга бевосита имконият бермайди. Харажатларни фойда солигига таъсирини аниқлаш учун харажатлар счётларидан фойда солиги базасига қайта кўшиладиган харажатлар маълумотларни териб олиш ва қайта ҳисоб-китоб қилиш усули асосида аниқланади. Ушбу усул, одатда, фойда солиги базасига қайта кўшиладиган харажатлар бўйича ахборот рискини ошишига, яъни шакллантирилган ахборотда хатоликка йўл кўшиш эҳтимолининг ошишига олиб келади.

Тадқикотлар натижасида бухгалтерия ҳисобини таъсирчан кучга эга бўлган бошқарув воситага айлантириш мақсадида фойда солиги суммасига таъсир қилувчи харажатларни алоҳида акс эттирувчи ва улар тўғрисидаги ахборотларни тизимли шакллантиришга имкон берувчи 9811-«Фойда солиги бўйича солик базасига қайта кўшиладиган харажатлар», 3212-«Кечикирилган солик активлари», 6251-«Кечикирилган солик мажбуриятлари» ишчи счёtlарни корхоналар ҳисоб сиёсатига киритиш тавсия этилди, шунингдек уларни юритиш тартиблари «Самарқанддонмаҳсулотлари» материаллари асосида кўrsатиб берилди (2-жадвалга қаранг).

<sup>1</sup> Тадқикотлар асосида муаллиф ишланмаси

## 2-жадвал

**Фойда солиги бўйича солик базасига қайта қўшиладиган харажатлар, кечикитирилган солик активлари ва кечикитирилган солик мажбуриятларини акс эттирувчи счёtlарни юритиш тартиблари<sup>1</sup>**  
**(минг сўм)**

№	Операция мазмуни	Дебет	Кредит	Сумма *
1.	Хисобланган фойда солиги суммасига:	9811-«Фойда солиги бўйича солик базасига қайта қўшиладиган харажатлар»	6410-«Бюджеттга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)»	430649.2
2.	Кечикитирилган солик активига ёки фойда солиги бўйича кечикитирилган харажатлар суммасига:	3212-«Кечикитирилган солик активлари»	6410-«Бюджеттга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)»	8328.6
3	Кечикитирилган солик активига ёки фойда солиги бўйича кечикитирилган харажатлар бюджеттага тўланадиган фойда солигини камайтиришга олиб борилган суммасига:	6410-«Бюджеттга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)»	3212-«Кечикитирилган солик активлари»	8328.6
4	Хисобланган фойда солиги суммасига:	9811-«Фойда солиги бўйича солик базасига қайта қўшиладиган харажатлар»	6410-«Бюджеттга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)»	1986101.5
5	Фойда солиги бўйича кечикитирилган мажбуриятлар суммасига:	9811-«Фойда солиги бўйича солик базасига қайта қўшиладиган харажатлар»	6251-«Кечикитирилган солик мажбуриятлари»	6276
6	Фойда солиги бўйича кечикитирилган мажбуриятлар суммаси бюджеттага тўланадиган солик суммасини кўпайтиришга олиб борилган суммасига:	6251-«Кечикитирилган солик мажбуриятлари»	6410-«Бюджеттга тўловлар бўйича карз (турлари бўйича)»	6276

\* Изоҳ: Суммаларга асос 3-жадвалда келтирилган.

«Фойда солиги ҳисоб-китоби» шаклида «солик базасига доимий равиша қўшиладиган фарқлар», «солик базасига вақтнчалик қўшиладиган фарқлар» ва «солик базасидан вақтнчалик чегириладиган фарқлар» алоҳида қаторларда кўрсатилса-да, бироқ уларга тузатилган фойда суммасига тегишли фойда солиги суммалари алоҳида-алоҳида аниқланмайди. Ушбу кўрсаткичлар асосида факат бюджеттага тўланадиган фойда солиги суммаси аниқланади ва бу сумма, мос равиша, ҳисобланган фойда солиги сифатида тан олинади. Ҳисобланган ва бюджеттага тўланадиган фойда соликлари ўртасида фарқ маҳсус аниқланмаганлиги туфайли, мос равиша, ҳисоб-

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

китобда «кечиктирилган солиқ активлари» ва «фойда солиги бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» кўрсаткичлари фойда солиги хисоб-китобида маҳсус қаторларда акс эттирилмайди.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида солиқка тортиш мақсадида солиқка қадар бўлган фойда суммаси, дастлаб «доимий фарқлар»га, кейин эса, «вақтингчалик фарқлар»га тузатилади. «Доимий фарқлар» эътиборга олинган ҳолда тузатилган фойдадан ҳисобланган фойда солиги суммаси «фойда солиги бўйича харажатлар» кўрсаткичи сифатида тан олинида ва шу номдаги счётда акс эттирилади. Шундан сўнг, «вақтингчалик фарқлар» эътиборга олинган ҳолда тузатилган фойда топилиб, бюджеттага тўланадиган фойда солиги суммаси аниқланади ва бу сумма «бюджеттага тўланадиган фойда солиги» счётида акс эттирилади. Фойда солигига доир ушбу иккита кўрсаткич ўртасидаги фарқ суммаси «кечиктирилган солиқ активлари» ёки «фойда солиги бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» сифатида тан олинида. Бунда, агар иккинчи кўрсаткич, яъни «бюджеттага тўланадиган фойда солиги» кўрсаткичидан биринчи кўрсаткичдан, яъни «фойда солиги бўйича харажатлар» кўрсаткичидан катта бўлса, топилган фарқ суммаси «кечиктирилган солиқ активлари» деб тан олинида. Агар, иккинчи кўрсаткич «бюджеттага тўланадиган фойда солиги» кўрсаткичидан биринчи кўрсаткичидан, яъни «фойда солиги бўйича харажатлар» кўрсаткичидан кичик бўлса, топилган фарқ суммаси «фойда солиги бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» деб тан олинида. Демак, «кечиктирилган солиқ активлари» факат ҳисобот даврида белгиланган меъёрлардан ёки тартиб-қоидалардан ортиқ микдордаги харажатларга йўл кўйилганлиги сабабли шу ҳисобот даврида бюджеттага фойда солиги кўп тўланганлигини билдиради. Бироқ, ушбу кўп тўланган фойда суммаси ҳисобот даврида фойда солиги бўйича харажатларни оширмайди, аксинча келгуси даврлар харажатига олиб борилади ва, мос равишда, «кечиктирилган солиқ активлари» сифатида балансда акс эттирилади. Келгусида ўтган ҳисобот даврида меъёрлардан ёки тартиб-қоидалардан ортиқ микдордаги харажатлар камайтирилганда, мос равишда «кечиктирилган солиқ активлари» микдоридаги сумма бюджеттага тўланадиган фойда солигини камайтиришга олиб борилади.

«Фойда солиги бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» факат ҳисобот даврида белгиланган меъёрлардан ёки тартиб-қоидалардан кам микдордаги харажатларга йўл кўйилганлиги сабабли шу ҳисобот даврида бюджеттага, мос равишда, фойда солигини кам тўланишини билдиради. Бироқ, ушбу кам тўланган фойда суммаси ҳисобот даврида кечиктирилган мажбуриятга олиб борилади ва фойда солиги бўйича харажатларни оширади, мос равишда корхонанинг ҳисобот давридаги соф фойдасини камайтиради. Фойда солиги бўйича харажатларга олиб борилган сумма «фойда солиги бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» сифатида тан олиниб балансда акс эттирилади. Келгусида ўтган ҳисобот даврида меъёрлардан ёки тартиб-қоидалардан кам микдордаги харажатлар қўшимча ҳисобланганда, мос равишда, «фойда солиги бўйича кечиктирилган мажбуриятлар» микдоридаги сумма бюджеттага тўланадиган фойда солигини кўпайтиришга олиб борилади.

Халқаро таълимотда вақтингчалик фарқларнинг кўпайиш ёки камайиш томонга ўзгариши сабабли фойда солигининг ҳисобланадиган ва тўланадиган суммалари ўртасидаги фарқ вақтингчалик солик самараси сифатида тан олинади. Бундай вақтингчалик солик самараси ҳисббот йилида вақтингчалик фарқларни белгиланган меъёрлар ва тартиб-коидалардан ортиқча сарфига йўл кўйилганда бюджетга, мос равища, фойда солигини кўшимча тўлашда намоён бўлади. Вактингчалик фарқларни белгиланган меъёрлар ва тартиб-коидалардан кам микдорда сарфига йўл кўйилганда вақтингчалик солик самараси фойда солигини шу ҳисббот даврида кам тўланишига, бирор тежалган фойда солигини кечикирилган мажбуриятлар сифатида тан олишда намоён бўлади.

Халқаро амалиётда фойда солигига ҳисоб-китоб қилишда маҳсус «фойда солигига тузатишлар» жадвали тузилади. Ушбу ҳисбботнинг аҳамияти шундаки, унда фойда солиги ҳамда у бўйича «кечикирилган солик активлари» ва «фойда солиги бўйича кечикирилган мажбуриятлар» кўрсаткичларининг аниқ ҳисоб-китоби ўз аксини топади. Диссертацияда «фойда солигига тузатишлар» жадвалини миллӣ компанийларда кўллаш имкониятлари «Самарқанддонмаҳсулотлари» АЖ материаллари мисолида кўрсатиб берилди (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал

**«Самарқанддонмаҳсулотлари» АЖда 2018-2019 йилларда фойда солиги ҳамда «кечикирилган солик активлари» ва «фойда солиги бўйича кечикирилган мажбуриятлар» кўрсаткичларининг ҳисоб-китоби**

(минг сўмда)<sup>1</sup>

№	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил
1	Солик тўлагунга қадар фойда	4612872	13947810
2	Солик тўлагунга қадар фойдани фойда солиги базасидан чегирилмайдиган доимий фарқлар суммасига тузатилиши	1539259	2603036
3	Тузатилган солик тўлагунга қадар фойда (1к+2к)	6152131	16550846
4	Солик солинадиган фойданни камайтириш (ўтган давр зарари)	3076065.5	0
5	Солик солинадиган база	3076065.5	16550846
6	Солик ставкаси,%	14	12
7	Фойда солиги бўйича харажатлар (5к*6к/100%)	430649.2	1986101.5
8	Солик тўлагунга қадар фойданни чегирилмайдиган вақтингчалик фарқлар суммасига тузатиш:	59490	52300
8.1	Кўпайиш томонига	59490	-
8.2	Камайши томонига	-	52300
9	Соликка тортиладиган фойда (5к + 8.1 - 8.2)	3135555.5	16498546
10	Солик ставкаси,%	14	12
11	Тўланадиган фойда солиги суммаси (9к*10к/100%)	438977.8	1979825.5
12	Вақтингчалик фарқлар бўйича кечикирилган солик активлари (11к-7к)	8328.6	-
13	Фойда солиги бўйича кечикирилган мажбуриятлар (11к-7к)	-	6276

<sup>1</sup> Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

3-жадвалдан кўриниб турибдики, 2018 йилда корхонанинг доимий фарклар эътиборга олинган ҳолда топилган фойдасидан хисобланган фойда солиги бўйича харажатлари жами 430649.2 минг сўмни ташкил этган. Шу йилда 59490 минг сўмлик қўшимча вақтингчалик фарклар юз берганлиги сабабли бюджетга тўланадиган фойда солиги суммаси 438977.8 минг сўмдан иборат бўлган. Фойда солиги ушбу суммаларининг фарки бўлган 8328.6 минг сўм (438977.8-430649.2) айнан вақтингчалик фарклар бўйича «кечикирилган солик активлари»ни ташкил этади. Хисоб-китобдан кўриниб турибдики, 2019 йилда корхонанинг доимий фарклари эътиборга олинган ҳолда тузатилган фойдасидан хисобланган фойда солиги суммаси 1986101.5 минг сўмни ташкил этган. Бироқ, корхонада хисобот йилида вақтингчалик фаркларда 52300 минг сўм микдорида камайиш юз берганлиги учун ушбу суммага тузатилган фойдадан бюджетга тўланадиган фойда солиги суммаси 1979825.5 минг сўмдан иборат бўлган. Хисобланган ва тўланадиган фойда солиги суммалари ўртасидаги 6276 минг сўм (1979825.5 -1986101.5) айнан фойда солиги бўйича муддати кечикирилган мажбуриятлар суммасини билдиради. Ушбу хисоб-китоблар бухгалтерия хисобида 2018 ва 2019 йилларда биз томонимиздан тавсия этилган счёtlарда тегишли бухгалтерия ёзувларини беришга асос бўлади (2-жадвалга қаранг).

Фойда солиги бўйича имтиёзларни мақсадли ва мақсадсиз имтиёзлар сифатида эътироф этилишини қайта кўриб чиқиш зарур. Чунки, хеч қандай имтиёз мақсадсиз бўлиши мумкин эмас. Ҳаттоқи, «мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш назарда тутилмаган ҳолда берилган имтиёзлар» асл мазмун-моҳиятига кўра тадбиркорлик фаолияти ва уни юритувчиларни кўллаб-куватлаш учун давлат томонидан берилётган ёрдам хисобланади. Шу боис ҳам, «мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш назарда тутилмаган ҳолда берилган имтиёзлар»ни худди «мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш шарти билан берилган имтиёзлар» сингари корхона балансига олиш тартибини ўрнатиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун амалдаги балансдан ташқари 013 «Вақтингчалик солик имтиёзлари» счётини бекор қилиш, мос равища, уларнинг тизимли хисобини юритиш учун 8800 «Мақсадли тушумлар хисоби учун мўлжалланган счёtlар» таркибида маҳсус 8850 «Мақсадли вазифаларни бажариш учун йўналтириш назарда тутилмаган ҳолда берилган солик имтиёзлари» счётини назарда тутиш лозим.

Тадқиқот ишида солик солинадиган базани белгилаш ва фойда солигини хисоб-китоб қилиш тартиби солик солинадиган фойданни камайтирадиган ўтган йиллар зарари, инвестицияга йўналтириладиган маблағлар, инвестициявий чегирмаларни ўзида акс эттирадиган иловаларини киритиш орқали фойда солиги хисоб-китобини такомиллаштириш таклиф этилган (4-жадвалга қаранг).

Янги таҳрирдаги Солик Кодексининг 333-моддаси (зараарларни келгусига ўтказиш)га мувофиқ, солик тўловчи зарарни ушбу зарар кўрилган солик давридан кейинги ўн йил мобайнида келгусига ўтказишни амалга оширишга ҳақилиги ва ўтказилаётган зарарнинг ҳар бир кейинги солик даврида хисобга олинадиган жами суммаси ушбу бўлимга мувофиқ хисоблаб

чиқарилган жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ошиб кетиши мумкин эмаслиги ҳамда солиқ базаси олдинги солиқ даврида (даврларида) кўрилган зарар суммасига факат жорий солиқ даврининг якунлари бўйича камайтирилиши мумкинлиги белгиланган.

#### 4-жадвал

#### **Фойда солиги бўйича ҳисоб-китобларга таклиф этилган иловалар<sup>1</sup>**

Кўрсаткичлар	Сатр коди
Жами даромадлар (Ҳисоб-китобнинг 1-иловаси 010-сатри – 110-сатри – 121-сатри)	010
Чегириладиган харажатлар (Ҳисоб-китобнинг 2-иловаси 010-сатри 3 ва 4 устунлари айримаси) – (Ҳисоб-китобнинг 5-иловаси 060-сатри)	020
Имтиёзлар – жами (Ҳисоб-китобнинг 3-иловаси 030-сатри)	040
Инвестициявий чегирма ҳисоб-китоби (Ҳисоб-китобнинг 5-иловаси)	060
Ҳисобот даври учун солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган, инвестицияга йўналтирилган маблағлар суммаси ҳисоб-китоби (Ҳисоб-китобнинг 4 - илова)	
Жорий солиқ давридаги солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йиллар зарари суммасининг ҳисоб-китоби (Ҳисоб-китобнинг 7-иловаси)	

Бу ўз навбатида, 2020 йилдан олдинги даврларда зарар билан чиқкан корхоналарни заарларини жорий солиқ даври солиқ базасининг 50 фоизидан ошмаган суммага чегириб, ҳисоб-китоб қилишни ва 2020 йилдан агар корхона зарар билан чиқса, жорий солиқ даври солиқ базасининг 60 фоизидан ошмаган суммага чегириб ҳисоб-китоб қилишини тақозо этади. Амалдаги фойда солиги ҳисоб-китоби бирдан 2 даврни кўриш ва ҳисобга олиш имконини бермайди, шу сабабли жорий солиқ давридаги солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган ўтган йиллар зарари суммаси ҳисоб-китобини 2 та даврни ҳам ўзида акс этирувчи илова шакли таклиф этилди.

Корхоналарда амалга оширилаётган модернизациялашни давлат томонидан кўллаб-куватлашнинг муҳим йўналишиларидан бири - бу уларга инвестициявий чегирмалар бериш ҳисобланади. Республикализнинг янги таҳрирдаги Солиқ Кодексига чегириладиган харажатлар таркибида 308-моддаси «Инвестициявий чегирма»нинг киритилиши, ушбу кўрсаткич бўйича яна битта иловани фойда солиги бўйича ҳисобот шаклига киритишни тақозо этади. Ишда ушбу имтиёзларни ўзида ифода этувчи илова шакли таклиф этилди.

Тавсия этилган иловаларнинг таркибий тузилиши диссертация ишида келтирилган ҳамда Давлат солиқ кўмитаси томонидан 2020 йил 1 январдан амалиётга жорий этилган «Фойда солиги бўйича ҳисоб-китоблар»ида ўз аксини топган.

Бундан ташқари молиявий ҳисботнинг халқаро стандартларига ўтган юридик шахсларнинг соликларини ҳисоблаб чиқиш учун зарур бўлган кўрсаткичлар бўйича солиқ ҳисботи шакллари такомиллаштирилди. Унга мувофиқ, МХХСларига ўтган юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган алоҳида ва консолидациялашган молиявий ҳолат тўғрисида ва умумлашган

<sup>1</sup> Тадқикотлар асосида муаллиф ишланмаси

даромадлар тўғрисидаги маълумотлар шакллари таклиф этилди. Ушбу шаклда фойда солиғи билан боғлиқ маълумотларни жами солик мажбуриятларидан ажратган ҳолда акс эттириш ҳамда кечикирилган солик активлари ва кечикирилган солик мажбуриятларини акс эттириш таклифлари ишлаб чиқилди (5-жадвалга қаранг).

### 5-жадвал

#### **МХХСларига ўтган юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган фойда солигига оид бўлган кўрсаткичларнинг акс эттирилиши<sup>1</sup>**

##### **A. Алоҳида молиявий ҳолат тўғрисидаги маълумотда**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди
Узок муддатли активлар	
Кечикирилган солик активлари	080
Узок муддатли мажбуриятлар	
Кечикирилган солик мажбуриятлари	310
Жорий мажбуриятлар	
Солик мажбуриятлари (фойда солигидан ташқари)	370
Фойда солиги бўйича мажбуриятлар	380

##### **B. Алоҳида умумлашган даромадлар тўғрисидаги маълумотда**

Кўрсаткичлар номи	Сатр коди
Соф тушум (сатр.020+030+040+050)	010
Сотилган маҳсулот (товар, хизмат)ларнинг таннархи	060
Ялпи фойда (010-060)	070
Бошқа операцион даромадлар	080
Сотиш харажатлари	090
Матъмурй харажатлар	100
Бошқа операцион харажатлар	110
Операцион фойда (сатр.070+080-090-100-110)	120
Қадрсизланиш бўйича зарар (140+150+160)	130
Дивидендлар тарзидаги даромадлар	170
Валюта курсидаги фойда ва зарарлар	180
Фонз тарзидаги даромадлар	190
Фонз тарзидаги харажатлар	200
Молиявий ижарадан даромадлар	210
Бошқа даромад ва харажатлар	230
Фойда/зарар (сатр. 120+130+170+-180+190-200+210-220+-230)	240
Фойда солиги	250
Фойдадан бошқа соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар	260
